



## ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 31 май куни аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Дунёда озиқ-овқат билан боғлиқ чекловлар ва нархларнинг ўсиши кун сайин кучаймоқда. Жаҳон бозорларида бугдой нархи 50 фоизга, ўсимлик ёғи 33 фоизга, шакар 14 фоизга, нефть 47 фоизга ошди. Албатта, бу юртимиздаги нарх-навога ҳам таъсир кўрсатяпти. Масалан, май ойда Қашқадарё ва Наманган вилоятларида картошка, ун, шакар қимматлашган.

Шу боис, йиғилишда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, жумладан, паррандачилик ва чорвачиликни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама этилди.

Арзон, тўйимли ва тез етиштирила-диган маҳсулотлар бу парранда гўшти ва тухумдир. Лекин кўп вилоятларда парранда гўшти аҳоли талабига яраша етиштирилмаётти. Бу йўналишдаги 50 дан зиёд йирик корхона ярим қувватда ишламоқда. Уларни озуқа, жумладан, бугдой билан таъминлаш-да қийинчиликлар мавжуд.

Бу масалани ҳал этиш учун аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, 1 июндан бошлаб парранда-чилик ҳўжаликларига бугдой сотиб олиш учун 400 миллиард сўм "ре-вольвер" кредит ажратилади. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жағфармаси орқали кредит гаровининг 50 фоизига ка-филлик берилади ва 17 фоизидан ошган қисми компенсация қилинади. Шунингдек, паррандачилик ҳўжалик-ларига айланма маблағ учун бери-ладиган кредит муддатини узайти-риш тақлифи билдирилди.

Парранда маҳсулотлари бозори-ни таҳлил қилиш ва лойиҳаларни тўғри жойлаштириш, ишлаб чиқар-ишдан сотишгача бўлган барча жа-раёнларни рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Хонаки товукларни кооперация асосида боқиб ҳам яхши самара бе-ради. Мисол учун, Нуробод туманида

тадбиркорлар инкубатор тарқатиб, аҳоли билан бирга, парранда гўшти ва тухум етиштиришни йўлга қўйган эди. Бугунги кунда бу маҳсулотлар тумандан ортиб, Самарқанд шаҳри ва қўшни туманларга ҳам етказиб берилмоқда.

Йиғилишда ушбу тажрибани кен-гайтириб, паррандачилик ҳўжалик-ларини муайян маҳаллаларга би-риктириш, аҳолига паррандачилик бўйича ўқувлар ташкил этиш зарур-лиги таъкидланди. Бундай ҳўжалик-ларга ҳар бир маҳалла учун оливаий тадбиркорлик дастурлари асосида 200 миллион сўмдан имтиёзли кре-дитлар ажратилади. Улар бу маблағ ҳисобидан аҳолини ҳўжалар ва озу-қа билан таъминлайди.

Чорвачилик — аҳоли тўқлиги ва нарх-наво барқарорлигида муҳим соҳа. Энг кўп турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари шу тармоқда етишти-рилади.

Жорий йил 8 февралда "Чорва-чиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Пре-зидент қарори қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, чорвачилик ҳўжалик-ларига гўштининг ҳар бир килограмми учун тўланадиган субсидия 2 минг сўмдан 4 минг сўмга, суттинг ҳар бир литри учун 200 сўмдан 400 сўм-га оширилди. Хориждан олиб кели-надиган қишлоқ ҳўжалиги техникаси барча тўловлардан озод этилди. Со-ҳага 170 миллион доллар имтиёзли кредит линиялари очилди. 200 минг гектардан зиёд пахта ва ғалла май-донларига озуқабоп экинларни ал-машлаб экиш белгиланди.

Йиғилишда шу борада амалга оши-рилаётган ишлар ҳудудлар кесимида кўриб чиқилди. Хусусан, соҳадаги им-кониятлардан фойдаланиб, Андижон, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоят-ларида пахта-тўқимачилик кластер-лари томонидан 18 минг бош молга

мўлжалланган 35 та чорвачилик ҳў-жалиги ташкил қилинди. Лекин Сур-хондарё, Самарқанд, Сирдарё, Қаш-қадарё, Наманган, Жиззах ва Тошкент вилоятларида 70 та комплексни ишга тушириш кечикаётгани қайд этилди. Аҳоли хонадонларида кооперация усулида гўшт ва сут етиштириш ҳам тизимли йўлга қўйилмаган.

Бундан ташқари, пахта ва ғал-ланинг ўрнига алмашлаб озуқа эки-ладиган 200 минг гектар майдон бўйича ҳам ишлар ҳалигача аниқ ре-жалаштирилмаган.

Шу боис, Бош вазир ўринбосари-га алмашлаб экишни ҳар бир туман кесимида аниқ тасдиқлаб, ташкил этиш, фермерларни серхосил озуқа уруғлари билан таъминлаш вазифа-си қўйилди. Шу билан бирга, чорва ҳўжаликлари ва аҳоли хонадонла-рига ветеринария хизмати кўрсатиш қўламини кенгайтириш муҳимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотла-ри билан узлуксиз таъминлаш мақ-садида қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Хусусан, гўшт, балиқ, сут маҳсулотлари, мева, ўсимлик ёғи каби 22 турдаги озиқ-овқат жорий йил 1 майгача божхона божларидан озод қилинган эди. Энди бу муддат 2023 йил 1 январга қадар узайти-рилди. Шунингдек, озиқ-овқатни им-порт қилишда божларни оширилган ставкада қўллаш тўхтатиб турилади. Давлат харидларида озиқ-овқат маҳ-сулотларини импорт қилиш бўйича чекловлар вақтинча бекор қилинади.

Монополияга қарши курашиш қўмитасига бозорда рақобатни таъ-минлаш ва нархлар асоссиз ошиши-га йўл қўймаслик бўйича кўрсатма-лар берилди.

Йиғилишда вилоят ва туман ҳо-кимлари, озиқ-овқат тармоқлари раҳбарлари ахборот берди.

ЎЗА

## ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон жорий йил 2-3 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Икки биродар мамлакат етакчилари-нинг музокаралари кун тартибидан Ўз-бекистон — Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик му-носабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳам-корликнинг устувор соҳаларида амалий саъй-ҳаракатларни кенгайтириш масала-лари ўрин олган.

Савдо, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транс-порт ва логистика, энергетика ва бошқа тармоқларда қўшма кооперация лойиҳала-рини илгари суриш ҳамда аънавий яқин

ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гума-нитар алмашинуви давом эттириш маса-лаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минта-қавий аҳамиятга молик долзарб масала-лар юзасидан ҳам фикр алмашишлари кўзда тутилган.

Саммит якунида икки томонлама ҳуж-жатлар тўплами имзоланиши режалаш-тирилган.

Таъкидлаш лозимки, олий даражадаги ташрифга тайёргарлик доирасида жорий йил 30 май куни Душанбе шаҳрида икки

мамлакат бош вазирлари раислигида ўт-казилган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бў-йича ҳукуматлараро комиссиянинг 9-йи-ғилиши самарали бўлди.

1 июнь куни Тошкент шаҳрида етакчи корхоналар иштирокида бизнес-форум ҳамда Ўзбекистон билан Тожикистон ўрта-сидаги стратегик шериклиқни изчил кенгай-тириш ва унинг катта салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларига бағишланган ил-мий-амалий конференция бўлиб ўтади.

ЎЗА

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## АНДИЖОН ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Чет тилларини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибани таъ-лим тизимида жорий қилиш, чет тилларини мукамал эгаллаган олий маълумотли мутахассис-ларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ҳамда хорижий тиллар бўйича филологлар, педагоглар, тар-жимонлар ва гид ҳамроҳларини тайёрлаш тизимини янада кен-гайтириш мақсадида:

1. Андижон шаҳрида **Андижон давлат чет тиллари институ-ти** (кейинги ўринларда — Инсти-тут) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Институт юри-дик шахс мақомига эга бўлган давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизи-мида фаолият юритади.

2. Қуйидагилар Институт фао-лиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

хорижий тиллар соҳаси бўйи-ча **олий маълумотли, илмий ва илмий-педагогик кадр-лар тайёрлаш**;

**ўқув жараёнида халқа-ро баҳолаш дастурлари (TALIS, PIRLS, PISA) ва стан-дартларидан фойдаланиш**, ўқитиш ва баҳолашнинг замонавий шакллари, методлари ва технологияларини жорий этиш бўйича билим ва кўник-маларга эга бўлган педагог-ларни тайёрлаш;

етақчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотла-ри билан ҳамкорликда **қўшма таълим дастурлари жорий этиш ва илмий лойиҳалар-ни амалга ошириш**;

халқаро эътироф этилган таш-килотларнинг амалдаги рейтинг-ида олий таълим муассасалари орасида **юқори 1 000 талик ўринни эгаллаган хорижий олий таълим муассасаси-нинг дастури асосида ўз таълим дастурларини шакл-лантириш**, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан мус-тақил равишда **қўшма таълим дастурлари ва илмий лойи-ҳаларни жорий этиш**;

▶ Давоми 2-бетда

### 1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



© Рашид Галиев олган сурат.

## ОБОД ВА ТИНЧ ЮРТНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

бахтли, қудратли ҳамда оқибатли бўлиб вояга етади

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кўп нарса ўзгарди. Одамлар ҳаётида том маънода янги давр бошланди. Жадал ўзгаришлар барча соҳаларни қамраб олди. Жумладан, ёш авлод саломатлигига, таълим-тарбиясига эътибор кучайиб, болалар ҳуқуқ ва манфаатлари борасида неча йиллардан буён ечимини кутиб турган муаммоларга барҳам берилди.

▶ Давоми 5-бетда

### ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

Шу кунларда кенг жамоатчилик Конституциямизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласини қизгин муҳокама қилиб, тақлифларни фаол билдирмоқда. Конституциявий комиссия эса бу тақлифлар асосида тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнини бошлаган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида ушбу муҳим мавзу муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

▶ Давоми 3-бетда

### ШУКУҲ

## МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ БАЙРАМИ

Фарғонада “Янги Ўзбекистон — инсон қадри улуғланган юрт” шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.



Вилоятдаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида концерт дастурлари, театрлаштирилган томошалар, ижодий учрашувлар, энг сара кинофильмлар намоиши бўлиб ўтмоқда. Маънавий-маърифий тадбирларда пойтахтимиздан келган уч юздан зиёд маданият ва санъат намояндаси, шоир ва ёзувчилар бир мақсад йўлида биллашди. Самимий суҳбатлар ва очик мулоқотлар одамлар қалбига қувонч олиб кирмоқда.

▶ Давоми 6-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# АНДИЖОН ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

таълимни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, жумладан, ўқув жараёнига рақамли технологияларни татбиқ қилиш, шунингдек, **ўқув жараёнини талабаларда мустақил таълим олиш ва амалий, жумладан, синхрон, бадий, кетма-кет ва илмий-техник таржима кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш**;

Институтнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш, жумладан, профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфузли республика ва хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларида ташкил этиш.

3. Қуйидагилар:

Андижон давлат чет тиллари институти фаолиятини ташкил этиш бўйича **чора-тадбирлар дастури** 1-иловага мувофиқ;

Андижон давлат чет тиллари институти **2026 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари** 2-иловага мувофиқ;

Андижон давлат чет тиллари институтида ташкил этиладиган **бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) Институтда ўқув жараёни 2022/2023 ўқув йилидан бошланади ҳамда талабаларга иккита хорижий тил бўйича квалификация берилади;

б) Андижон давлат университети ва унинг Педагогика институтига хорижий тиллар йўналишларида бакалаврият ва магистратура босқичларида кадрлар тайёрлаш бўйича ажратиладиган давлат буюртмаси квотаси 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Институтга йўналтирилади;

в) Институтга талабаларни қабул қилиш параметрлари ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси ва қўшимча қабул параметрлари доирасида аниқланади;

г) Институтнинг **бакалаврият таълим йўналишларига** 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб кириш имтиҳонларида фанлар мажмуасидаги **чет тили фанидан 4 та кўникмани** (тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш) баҳолашга қаратилган касбий (ижодий) имтиҳон ўтказилади. Бунда:

чет тилини билиш даражаси В2 ва ундан юқори миллий сертификатга ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга бўлган абитуриентларга ушбу фандан ўқишга кириш синовларида имтиҳонсиз максимал балл берилади;

чет тили фанидан касбий (ижодий) кириш имтиҳонлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади;

д) Институтнинг **магистратура мутахассисликларига киришда** хорижий тилни билиш даражаси бўйича С1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификат ва бакалаврият диплом баллининг ўртача кўрсаткичи инобатга олинади ҳамда қўшимча имтиҳонлар ўтказилмайди;

е) Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан мутахассислик фанларида хорижий тилда дарс берадиган С1 даражасидан кам бўлмаган миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга ўқитувчиларга уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан **ҳар ойлик 50 фоиз миқдорда қўшимча устама ҳақи тўлаб борилиши мумкин**.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) **2022 йил 1 июлга қадар** Институтни танлов асосида амалий тажриба ва (ёки)

илмий даражага эга бўлган юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

б) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Институтнинг **хорижий тиллар ўқитувчилари С1 даражасидан кам бўлмаган** миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга бўлишини ҳамда дарс машғулотларини тегишли тилларда олиб борилишини таъминласин;

в) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:

Институтнинг **мутахассислик фанлар (хорижий тилдан ташқари) ўқитувчиларининг В2 даражадан кам бўлмаган** миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга бўлишини;

Институтнинг ўқув жараёнига тил эгаси бўлган малакали хорижий мутахассисларни жалб қилинишини ташкиллаштирсин. Бунда, хорижий мутахассисларнинг ойлик иш ҳақи бозор конъюнктураси асосида аниқланади ҳамда Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади;

г) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** Институтни зарур телекоммуникация воситалари билан жиҳозлаш ҳамда юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш чораларини кўрсин.

6. Андижон вилояти ҳокимлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Институт талабаларини амалиёт ўташ учун ҳудуддаги корхоналар, туризм ва маданий мерос объектлари, таълим ва бошқа ташкилотларга бириктириш ҳамда юқори курс талабаларини иш ҳақи тўланадиган тизим орқали банд қилиш чораларини кўрсин.

7. Инновацион ривожланиш вазирлиги филология фанлари тармоғининг тегишли ихтисосликлари бўйича юқори малакали

илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, 2023 йилдан бошлаб Институтга докторантура бўйича квота ажратилишини таъминласин.

8. Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги қуйидаги йўналишларда Институтга яқиндан кўмаклашсин: хорижлик экспертларни жалб этган ҳолда профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар учун малака ошириш, жумладан, синхрон таржима қилиш кўникмаларини шакллантириш бўйича курсларни ташкил қилишда;

профессор-ўқитувчиларнинг замонавий ўқитиш кўникмаларини ривожлантиришда ва чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича сертификат олишида;

Институтнинг бўш аудиторияларида хорижий тилларни ўқитиш курсларини ташкил этиб, талабаларга қўшимча даромад топишлари учун зарур шароит яратишда;

аҳоли ва таълим муассасалари учун чет тилларини ўрганишда кўмак берувчи контентларни шартнома асосида яратишда.

9. Белгилансинки:

Институт фаолияти Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Институтнинг бошланғич фаолиятини самарали ташкил этиш, хусусан, унинг бино ва иншоотларини таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади;

мазкур қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг

республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2023 йилдан бошлаб — Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Андижон вилояти ҳокимлигининг қуйидаги бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан биргаликда Институтга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

Андижон шаҳар, Бобуршоҳ қўчаси, 5-уй манзилида жойлашган Андижон давлат университетининг ўқув биноларини;

Андижон шаҳар, Бобуршоҳ қўчаси, 20-уй манзилида жойлашган Андижон давлат университетининг талабалар турар жойини;

Андижон давлат университетининг Андижон вилояти, Хонобод шаҳри, “Кампирровот” МФЙ ҳудудида жойлашган дам олиш масканини.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Институтнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, янги ўқув биноси ва талабалар турар жойини қуриш ҳамда уларни жиҳозлаш лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 31 май

## Ш. МИРЗИЁЕВ

## Ўзбекистон — Тожикистон:

# ЯХШИ ҚЎШНИЛАР ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР

Бошланиши 1-бетда

2017 йилдан буён Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарларининг тўққиз марта икки томонлама учрашувлари бўлиб ўтди, 2018 йилда илк бор ўзаро давлат таширфлари ташкил этилиб, ҳамкорлик муносабатлари тарихида янги саҳифа очилди.

Тошкент ва Душанбе шаҳарларида сиёсат, савдо, энергетика, транспорт, маданият, илм-фан, таълим, хавфсизлик соҳаларида имзоланган 60 дан ортқ давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар, меморандумлар, дастурлар ва “Йўл хариталари”дан иборат ҳужжатларнинг салмоқли тўплами давлат таширфларининг юксак натижаларидан далолат беради.

Шу тариқа, бутунги кунда Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигининг шартномавий-ҳуқуқий базаси 200 та икки томонлама ҳужжатга етган бўлса, уларнинг қарийб ярми, аниқроғи, 97 таси сўнгги тўрт йил ичида имзоланган. Бу томонларнинг ўзаро манфаатли бўлган барча соҳаларда узок муддатли ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишдан манфаатдорлигини тасдиқлайди.

Юқори даражадаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. 2018 йилдан буён Бош вазирлар даражасида бешта учрашув, 2016 йил сентябрь ояидан бери ташқи ишлар вазирларининг йигирма бешдан ортқ учрашувлари ўтказилди, парламентлараро ҳамкорлик барқарор даражага кўтарилди.

Икки мамлакат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ўзаро ҳамкорликни изчил давом эттирмоқда. Хавфсизликнинг замонавий таҳдидларига қарши курашиш, ядровий қуролларни тарқатмаслик режимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш ва халқаро кун тартибидagi бошқа долзарб масалалар бўйича Ўзбекистон ва Тожикистоннинг позициялари ўхшашдир.

Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари юқори даражадаги ишонч ва ўзаро ҳурматга асосланган. Икки давлат ўртасида ечимли топилайдиган масалалар мавжуд эмас. Қўп йиллар давомида икки томонлама муносабатларга салбий таъсир кўрсатган муаммолар масалаларнинг аксарияти ҳал қилинган. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги халқларимизнинг қўп асрлик тарихий ва маънавий ришталарига асосланган стратегик

**Ўзбек ва тожик халқлари бир дарахтнинг иккита шоҳига, битта дарёнинг иккита ирмоғига ўхшайди. Биз халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашимиз ва ҳимоя қилишимиз керак.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



**2018 йилда ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИНГ ЎЗАРО ТАШИРФЛАРИ ТЎҒРИСИДА БИТИМ ИМЗОЛАНГАН, ШУНИНГДЕК, ЎША ЙИЛИ МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДА ВИЗА РЕЖИМИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНГАНИ ВА 17 ТА НАЗОРАТ-ЎТКАЗИШ ПУНКТИНИНГ ОЧИЛГАН ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТДИ. УШБУ ҲУЖЖАТ, ШУНИНГДЕК, ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ.**

2021 йилда халқаро темир йўл юк ташини ҳажми 6,7 миллион тоннани, Тожикистон юқларининг Ўзбекистон ҳудуди орқали транзити 5,7 миллион тоннани, учинчи давлатлардан Тожикистонга транзит юк ташини ҳажми эса 3,6 миллион тоннани ташкил қилди.

2018 йилда Ўзбекистон ва Тожикистон фуқароларининг ўзаро таширфлари тўғрисида битим имзолангани, шунингдек, ўша йили мамлакатлар ўртасида виза режимининг бекор қилингани ва 17 та назорат-ўтказиш пунктининг очилгани икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжат, шунингдек, транспорт соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришни белгилаб берди.

2018 йил март ояида мамлакатлар бир-бирига томонлардан бирининг ҳудудида рўйхатдан ўтган автотранспорт воситаларида ўз давлатлари ҳудуди орқали йўловчи ва юқларни халқаро автомобиль йўналишларида амалга ошириш ҳуқуқини тақдим қилди.

Айни пайтда “Тошкент — Хўжанд”, “Қўқон — Шайдон” халқаро автобус йўналишлари мунтазам йўлга қўйилган. “Самарқанд — Душанбе” ва “Самарқанд — Панжикент” йўналишларида автобуслар қатновини ташкил этиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.

2017 йил апрель ояидан бошлаб “Uzbekistan Airways” АЖ “Тошкент — Душанбе — Тошкент” йўналиши бўйича парвозларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлиги пандемия синовидан ҳам шараф билан ўтди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 8 майдаги кўрсатмаси билан Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами сифатида 144 донга кўча тиббий контейнер етказилди. 29 май куни Ўзбекистондан инсонпарварлик ёрдами сифатида озик-овқат маҳсулотлари, тиббий буюмлар ва дори-дармонлар жўнатилди. Ўша йили бир гуруҳ ўзбекистонлик шифокорлар тожикистонлик ҳамкасбларига коронавирус инфекциясига қарши курашишда ёрдам бериш учун Тожикистонга борди. “UzAuto Motors” компанияси қўшни давлатга коронавирус инфекциясидан шахсий ҳимоя воситалари билан жиҳозланган тез тиббий ёрдам машиналари жўнатмасини тақдим қилди.

2021 йилда Хатлон вилоятининг Қубодиё туманида Ўзбекистон томонидан барпо этилган тиббиёт мажмуасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Маъмуа йилга 7,5 минг нафар беморга хизмат кўрсатишга мўлжалланган 250 ўринли замонавий кўп тармоқли шифохона ва бир сменада 300 нафар беморга, йилга 219 мингдан ортқ кишига хизмат кўрсатадиган поликлиникадан иборат.

Ўтган йил давомида амалга оширилган маданий-гуманитар алмашинувлар изчиллиги мамлакатларимиз ушбу соҳадаги алоқаларни фаол ривожлантиришга интилаётганини кўрсатди. Ҳатто глобал пандемия ҳам маданий-гуманитар ҳамкорликка салбий таъсир кўрсата олмади. 2021 йил май ояида Қубодиёда Ўзбек киноси кунлари муваффақиятли ўтказилди. Ушбу тадбир доирасида “Илҳақ”, “Рангсиз тушлар”, “Халқ юраги”, “Ҳамкорлик бўйича навбатчи” фильмлари, шунингдек, ўзбек киносининг дурдона асарларига айланган “Келинлар кўзголови” ва “Сирли сандиқ” фильмлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Икки мамлакатнинг таҳлилий институти ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Жумладан, 2021 йил 2-5 июнь кунлари Марказий Осиё халқаро институти (МОХИ), Ўзбекистон Президентиси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази вакилларидан иборат делегация Тожикистонга таширф бўюди.

Таширф доирасида Ўзбекистон таҳлилий муассасалари ходимлари Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг янги “ўсим нуқталари” мавзусига бағишланган халқаро конференцияда

12. Андижон вилояти ҳокимлиги Институт фаолиятини самарали ташкил этиш учун бошқа ҳудудлардан жалб этилган профессор-ўқитувчиларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида Институтга яқин ҳудудда жойлашган кўп қаватли уй-жойлардан хизмат уйлариини Институтга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратсин.

Институтга ўзининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бошқа ҳудудлардан жалб этилган профессор-ўқитувчилар учун қўлай шарт-шароит яратиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусан, ижара тўловини компенсация қилишга рухсат этилсин.

13. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиған ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х.Тошқулов ҳамда Андижон вилояти ҳокими Ш.К.Абдурахмонов белгилансин.

Қарор ижросини муҳракма қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

иштирок этди, шунингдек, турли учрашувлар ўтказди. Мазкур тадбирлар доирасида МОХИ ва Тожикистон Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази, Фанлар академиясининг Аҳмад Доғиш номидаги Тарих, археология ва этнография институти, Осиё ва Европа мамлакатлари муаммоларини ўрганиш институти, Россия-Тожикистон (славян) университети, Тожикистон Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик хизмат ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази ўртасида шартномалар имзоланди.

Халқларимиз ўртасида минг йиллар давомида ривожланиб келаётган маданий-гуманитар ва инсонлараро алоқалар маданият ва санъат соҳасидаги муносабатларни чуқурлаштиришнинг ишончли асоси бўлмоқда. Икки мамлакат ижодий жамоалари Ўзбекистон ва Тожикистонда ўтказиладиган халқаро фестивалларда иштирок этмоқда, Маданият кунлари ва бошқа тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Хусусан, 2022 йилда икки давлатнинг чегарадош ҳудудларида эстрада санъаткорларининг концертлари ўтказилмоқда. Халқларимизнинг миллий байрамларида чегарадош ҳудудлар ҳокимликлари вакиллари фаол қатнашмоқда.

Тожикистоннинг “Шашмақом” академияси 2018 йил 6-10 сентябрь кунлари Шахрисабз шаҳрида ўтказилган “Мақом” халқаро санъат форумининг Бош совринни кўлга киритди.

Бугун Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 1,5 миллиондан ортқ тожик миллиятига мансуб ватандошларимиз мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Уларнинг маданияти ва анъаналарини, она тилини авайлаб-асраш ва ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, 240 дан ортқ мактабда таълим тожик тилида олиб борилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қўп қиррали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, икки қардош халқ ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, қўллаб-қувватлаш, англаш ва шериклик муносабатларига асосланган давлатлараро мулоқотни ривожлантириш ва бойитишдан икки давлат ҳам бирдай манфаатдордир. Тожикистон Президентининг таширфи қардош Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг тўб манфаатларига жавоб берадиган икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришга салмоқли ҳисса қўшади ва янги суръат бағишлайди.

“Дунё” АА

## ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

Бошланиши 1-бетда

**Мирзатилло ТИЛЛАБОЕВ,**  
**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси**  
**Миллий маркази директорининг биринчи**  
**ўринбосари:**

— Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш конституциявий ислохотларнинг ажралмас қисми бўлиб, бир қатор давлатлар конституциялари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий шартномалар нормалари талабларини ўзига сингирган.

Замонавий конституцияларда инсон ҳуқуқлари кенг миқёсда қамраб олинган. Тадқиқотчилар аниқлашчи, жаҳон мамлакатлари конституцияларида қайд этилган инсон ва фуқаролик ҳуқуқларининг 117 тури мавжуд. XVIII аср охирида ёзилган АҚШ Конституциясида инсон ҳуқуқлари 35 марта, Россия Конституциясида эса 64 марта тилга олинган. 2008 йилда қабул қилинган Эквадор Конституциясида инсон ҳуқуқларининг 99 тури, 2006 йилда қабул қилинган Сербия Конституцияси ҳамда 2009 йилдаги Боливия Конституциясида инсон ҳуқуқларининг 88 тури келтирилган. Инсон ҳуқуқларига энг кам эътибор қаратилган қомус 2012 йилдаги Таиланд Конституцияси бўлиб, унда инсон ҳуқуқларининг атиги 2 тури санаб ўтилган. Умуман олганда, дунё давлатлари конституцияларида инсон ва фуқароларнинг ўртача 50 га яқин ҳуқуқи кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги Конституциясида эса жами 40 та моддада инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид 60 дан ортиқ норма мавжуд.

Кўпчилик конституцияларда экология масалаларига катта эътибор берилган. Уларда табиат ва унинг ресурслари ноёб миллий ҳазина сифатида қаралади. Атроф-муҳит ва табиий бойликларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қондалар жуда хилма-хил бўлиб, тегишли конституциявий нормаларда ифодаланган. Масалан, 2004 йилда Франция



Конституциясига Атроф-муҳит тўғрисидаги Хартия киритилди. 2006 йилда Жанубий Африка Конституцияси “экологик қонун” тушунчаси билан тўлдирилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари Грузия Асосий қонунда 2018 йилда ўз ифодасини топди. Шунингдек, Марокаш, Непал ва Малдив ороллари конституцияларида тоза сувдан фойдаланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Замонавий конституцияларда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий хилма-хилликни сақлаш ва жонотларга нисбатан масъулиятли муносабатда бўлишга доир меъёрлар мавжуд.

Яна бир қизиқарли тенденция фаол сайлов ҳуқуқи учун ёш чегарасини пасайтириш билан боғлиқ. Кўпгина мамлакатларда сайловда овоз бериш ҳуқуқи 18 ёшдан бошланади. Аммо асримиз бошидан буён баъзи мамлакатларда овоз бериш ёшини 17 ёки 16 ёшга пасайтириш бўйича фаол мунозаралар олиб боришмоқда. Натيجида, айрим давлатлар конституциясида

бу борада тегишли ўзгариштирлар киритилиб, сайловда овоз бериш ёши кичирйтирилди. Масалан, Никарагуа (1984 йилда), Венесуэла (2007 йилда), Австрия (2007 йилда), Эквадор (2008 йилда), Аргентина (2012 йилда), Мальта (2018 йилда) давлатларида овоз бериш учун ёш чегараси 18 ёшдан 16 ёшга, Японияда эса 2018 йилдан эътиборан 20 ёшдан 18 ёшга туширилди. **Юртимиздаги конституциявий ислохотларда бу борадаги халқаро тажрибани ҳам, албатта, инобатга олиш керак.**

Маълумки, мамлакатимизда 2008 йилдан эътиборан ўлим жазоси бекор қилинган. Айни шу йили Ўзбекистон Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив протоколини ратификация қилган. **Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги нормани мамлакатимиз Асосий қонунда ҳам мустаҳкамлаш пайти келди, назаримизда.**

Шунингдек, юртимизда олиб борилган демократик ислохотлар натижасида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат бутунлай бар-тарф этилди. Халқаро ва миллий ҳамкорлар билан пахта йил-гим-терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан Миллий мониторинг тизими яратилди. Буни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини мустаҳкамлаш мақсадида Конституциямизда **болалар меҳнати-га барҳам бериш, ногиронлар, кекса авлод вакиллари-нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини мустаҳкамлаб қўйиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Омбудсман, Болалар омбудсмани, Бизнес-омбудсман мақоми ва ваколатлари тўғрисидаги қондалар ўз аксини топиши керак.**

## Жараён

**Дилноза МУРАТОВА,**  
**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий**  
**маркази директори ўринбосари:**

— Янги Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, чуқур ўйланган фаол ташқи сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан юксак даражада эътироф этилмоқда. Ушбу эришаётган ютуқларимиз тағ-заммида Асосий қонунимизнинг инсон-парвар нормалари мужассам. Конституциямизда давлатимизнинг ташқи сиёсатида амал қилинадиган принциплар ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Сўнгги йилларда қабул қилинган конституцияларда халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлиги яққол кўзга ташланади. Бу орқали халқаро ҳуқуқий меъёрларни миллий ҳуқуқий тизимга татбиқ этиш самарадорлиги ортади.

Мамлакатимизда ҳам миллий қонунчи-лики халқаро ҳуқуқ нормалари асосида такомиллаштиришга катта эътибор берил-моқда. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стра-тегиясида қуйидаги чора-тадбирлар кўзда тутилган:



— судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида умумэътироф этил-ган принциплар ҳамда халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган хал-қаро шартномалар нормаларининг кенг

**Эркин ЭРНАЗАРОВ,**  
**“Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журнали**  
**бош муҳаррири:**

— Маълумки, Конституция қонун-қо-даларига қатъий амал этилишини таъмин-лаш мақсадида Конституциявий судлар ташкил этилади. Конституциявий судлар биринчи марта 1920 йилда Австрия ва Чехославакияда таъсис қилинган эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса 1951 йилда Германия Федератив Республика-сида, 1958 йилда Францияда, сўнг бошқа мамлакатларда ҳам пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда жаҳонда уларнинг сони кўп ва ва-колатлари анча кенг.

Ана шу халқаро тажрибадан келиб чи-қан ҳолда, Конституциямизга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди вако-латларини кенгайтириш масаласини кири-тиш мақсадга мувофиқ, деган фикрдамиз. “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги амалдаги қонунда Кон-ституциявий судга қонунлар, Олий Мажлис

палаталари қарорлари, Президент фар-монлари, қарорлари ва фармойишлари, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти ор-ганлари қарорлари, давлатлараро шарт-номавий ва бошқа мажбуриятларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш, Конституция ва қонунлар нормаларига шарҳ бериш, конституциявий ҳуқуқ ва эр-кинликларни муайян ишда қўлланилган ва Конституцияга мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган, деб ҳисобловчи фуқаролар ҳам-да юридик шахсларнинг шикоятларини кў-риб чиқиш ваколатлари берилган.

Биз Конституциямизга **Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди** ваколатларини мамлакат Президенти сайловлари ўтказилишини назорат қи-лиш, мазкур сайловларнинг якуини белгилаш, Президент адолатли сай-ланганини эълон қилиш, умумхалқ

қўлланишини таъминлайдиган самарали механизм яратиш;

— “Хабеас корпус” институтини янада такомиллаштириш орқали судлар мус-тақиллиги ва холислигини ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний ман-фаатларини таъминлаш соҳасида суд хо-кимияти ролини тубдан ошириш мақсадида судьялар ҳамжамияти органлари фаолият-тининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш.

Шунга кўра, **“Хабеас корпус” инсти-туту мақомини Конституцияда мустаҳ-камлаб, шахс 48 соатдан ортиқ ушлаб турилмаслигини таъминловчи норма киритишни таклиф этамиз.**

Сўнгги йилларда гендер тенглигига эри-шиш, хотин-қизлар ҳуқуқлари, эркинликла-ри ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ро-лини мустаҳкамлаш янги Ўзбекистон дав-лат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Тенг ҳуқуқлиликка асо-ланган конституциявий тамойилнинг бош мақсади, бу — жамият ҳаётининг барча соҳаларида эркаклар ва аёллар ўртаси-да тўлиқ тенгликка эришиш. Шу мақсадда **Асосий қонунимизга бир хил меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг миқдор-да ҳақ тўлаш тўғрисида алоҳида норма киритилиши таклиф этилади.**



референдумларини ўтказиш ва улар якунларини чиқариш, депутатлар ва сенаторлар тўғри сайланганлиги тўғри-сида қарорлар чиқаришни киритишни таклиф қиламиз.

66

Ўз навбатида, биз ҳам конституцион ҳуқуқларимиздан фойдаланишимиз, сиёсий-ижтимоий фаоллигимизни оширишимиз талаб этилади. Бугунги сиёсий жараёнга бефарқ бўлмасдан, таклиф ва мулоҳазаларимизни ҳаётий ўзгаришларга таяниб тақдим этсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу орқали янги Ўзбекистоннинг пойдеворини бунёд этишга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшган бўламыз.

**Фарҳод ҲАЙИТБОЕВ,**  
**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон**  
**Республикаси Миллий маркази Инсон ҳуқуқлари**  
**соҳасида таълим ва маърифат бўлими бошлиғи:**

— Мамлакатимизда сўнгги йил-ларда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўли-да давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида туб ислохотлар олиб боришмоқда. Бугунги кунда олдимизда турган долзарб вази-фалардан бири — Конституция-мизни ислох қилиш.

Чунки конституциявий исло-хотларни ўтказиш, бугунги кунда қуйидаги асосларга кўра ҳаётий заруратга айланди.

**Биринчидан**, халқ билан му-лоқот тизими инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини конституциявий даражада янада мустаҳкамлашни зарурий талабга айлантирмоқда. Ер ислохоти, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ислохоти, монополиялар ислохоти ва бош-қалар шулар жумласидандир.

**Иккинчидан**, “давлат — инсон учун” деган тамойилни конститу-циявий даражада мустаҳкамлаш, мазкур тамойил асосида инсон-нинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқ-ликлар инсон фойдасига талқин қилиниши, давлат ҳокимияти ор-ганларининг баъзи ваколатлари-ни фуқаролик жамияти институ-тиларига ўтказиш заруриятини яна бир бор ижтимоий ҳаётнинг ўзи исботлади.

Мен ҳам мамлакатимиз Кон-ституциясига ўзгартириш ва қў-шимчалар киритиш бўйича айрим таклиф ва мулоҳазаларимни бил-дирмоқчиман.

**Биринчидан**, “Инсон — жамият — давлат” концепцияси асосида давлат томонидан ҳо-лининг ижтимоий эҳтиёжманд қа-ламларини ишга жойлаштириш бўйича қўшимча қафолатларни таъминлашда давлат фуқаролик жамияти институтлари салоҳия-тидан самарали фойдаланишга



доир механизмини янада такомил-лаштириш жуда долзарб аҳамият-га эга.

Шу боис, фуқаролик жамияти институтларини ҳуқуқий мақо-мини конституциявий норма да-ражасида белгилаш ҳамда улар-нинг ишчилиги ва камбағаллиқни тугатиш каби ижтимоий фойдали фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш механизмини та-комиллаштириш таклиф этилади.

**Иккинчидан**, ҳар бир инсон-нинг соғлом ва қулай атроф-му-ҳитга, унинг ҳолати ҳақидаги ҳақ-қоний ахборотга эга бўлиши, ўз соғлиғига ёки мулкига экологик ҳуқуқбузарлик тўғрисида етказил-ган зарар ўрни қопланиши ҳуқу-қига эгаллиги масалалари Асосий қонунимизда белгиланиши мақ-садга мувофиқ.

Шунингдек, давлат хусусий тад-биркорлиқни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик ва инвести-циявий муҳит ҳамда шароитларни таъминлаш, иқтисодий фаолият-да инсофсиз рақобатта, моно-поллаштиришга йўл қўймаслиги халқнинг ҳаққоний талаби, десак бўлади.

**Севара ИШМУРАТОВА,**  
**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон**  
**Республикаси Миллий маркази Умумий**  
**бўлим бошлиғи:**

— Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ва изчил ислохотлар Бош қомусимизни бугунги реал воқеликка, кечаётган де-мократик янгиланишлар мантига мослаштиришни тақозо этади.

Конституция тўғрисида, унинг маъно-мазмуну ва усту-вор тамойиллари ҳақида гапирар эканмиз, асосий қонунимизда, биринчи нав-батда, шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилганини алоҳида таъкид-лаш лозим.

Бош қомусимизнинг 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жа-мият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, дейилган. Бу норма ҳақиқий маънода-ги демократик бошқаруви, халқ ҳокимиятини ўзида на-моён этади.



Ўз навбатида, биз ҳам кон-ституцион ҳуқуқларимиздан фойдаланишимиз, сиёсий-иж-тимоий фаоллигимизни оши-ришимиз талаб этилади. Бу-гунги сиёсий жараёнга бефарқ бўлмасдан, таклиф ва муло-ҳазаларимизни ҳаётий ўзга-ришларга таяниб тақдим этсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу орқали янги Ўзбекистон-нинг пойдеворини бунёд этиш-га ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшган бўламыз.

**Отабек НОРБОЕВ,**  
**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси**  
**Миллий маркази Жисмоний ва юридик шахсларнинг**  
**муносабатлари билан ишлаш бўлими бошлиғи:**

— Конституциямизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Миллий марказ ва журналимиз тахририяти ходим-лари ўз таклиф-мулоҳазаларини билди-рмоқда. Мен ҳам шу ҳақда мухтасар фикр юритмоқчиман.

**Биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддаси 1-қисмида “Ўзбекистон Республикасининг **бутун худудда ягона фуқаролик ўрнатила-ди**”, дейилган. Ушбу қисмни “Ўзбекистон Республикаси фуқароси аини вақтда **бошқа давлат фуқаролигини олиши мумкин эмас**”, деган жумла билан тўлди-ришни таклиф этаман.

Чунки, хорижий давлатларда яшаёт-ган айрим Ўзбекистон фуқаролари Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги-дан чиқмасдан туриб бошқа давлатлар фуқаролигини олиши амалиёта тез-тез

учрамоқда. Бу эса қонунбузилиш ҳолати сифатида тегишли жавобгарлиқни келти-риб чиқаради.

Асосий қонунимизга бу ҳақида аниқ қоида киритилиши шу каби қонунбузар-лик ҳолатларининг олдини олади.

**Иккинчидан**, Конституциямизнинг 110-моддаси 3-қисмида қайд этилган “Ўзбекистон Республикаси Олий суди қуйи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга”, деган жумлани олиб ташлаш тавсия этилади.

Сабаби ушбу қоида Асосий қонуни-мизнинг 112-моддаси 1-қисмида мустаҳ-камланган “Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьялар-нинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашуши йўл қўйилмайди ва



бундай аралашуш қонунга мувофиқ жа-вобгарликка сабаб бўлади”, деган қоида-га зид ҳамда судьяларнинг мустақиллиги-га салбий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, Конституциямизнинг 117-моддаси 9-қисмидаги “Ўзбекистон

қўчириш орқали тўлдириш, уларни Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт ва Иқтисодий, ижтимоий ва мада-ний ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт қоидаларига, шунингдек, амал-даги миллий қонунчиликка му-вофиқлаштириш зарур.

Масалан, “**Умумий қоида-лар**” деб номланган V бобни қуйидаги тахрирда ўзгартириш мақсадга мувофиқ: “**Тенглик ва шахсга нисбатан камситиш-нинг турли шаклларига йўл қўймаслик**”.

Ушбу бобни шахсга нисбатан камситишни тақиқлаш тўғрисида қуйидаги тахрирда асосий кириш нормаси билан тўлдириш таклиф этилади: “**Ўзбекистон Респу-бликасида барча тенг ҳуқуқли бўлиш, жамият ҳаётининг бар-ча соҳаларида ҳамда ўзининг барча ҳуқуқлари, эркинликла-ри ва қонуний манфаатларини амалга оширишда бевосита, билвосита, кўп томонлама ва бошқа камситиш шакллари-дан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.**”

Ҳар қандай камситиш бар-ча шахсларга камситиш тўғ-рисидаги шикоятларни кўриб чиқадиган ва бузилган ҳуқуқ-ларни тиклаш чораларини қўрувчи ваколатли давлат органлари томонидан камси-тишлардан тенг ва самарали ҳимоя қилинишини қафолат-лайдиган қонунлар билан та-қиқланади”.

Республикаси Марказий сайлов комиссия-сининг Раиси комиссия аъзолари орасидан **Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими бўйича комиссия мажлиси-да сайланади**”, деган жумлани “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссия-сининг Раиси комиссия аъзолари орасидан **ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланади**”, деб ўзгартириш тавсия этилади.

\*\*\*

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз-да амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар — давр талаби, инсон қади устувор бўлган янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Асосий қонунимизга ўзгартириш ва қў-шимчалар киритиш кенг жамоатчилик му-ҳокамаси ва тақлифлари асосида амалга оширилаётгани юртимизда демократик та-мойиллар устуворлигидан далолат беради.

**Азизбек РАМАЗОНОВ**  
**ёзиб олди.**



НУҚТАИ НАЗАР

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ:

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ АСОСИ



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бугунги муҳим босқичида Ўзбекистон барча халқаро шериклар билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни изчил кенгайтириб бориш, шу жумладан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан мулоқотни ривожлантириш тарафдори.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Акбаршоҳ ТЕШАБОЕВ,  
Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари  
ва парламент тадқиқотлари институти бўлим  
бошлиғи, ҳуқуқшунос-таҳлилчи

Янги Ўзбекистон жаҳон ва минтақа тақдири учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги ташаббусларни илгари сураётган бугунги дунёнинг янги ташаббускори сифатида эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳалар сингари иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларини ривожлантириш асосида халқимизнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш, мамлакатимизнинг иқтисодиётдаги рақобатбардошлигини ва экспорт салоҳиятини ошириш, халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда юртимизнинг минтақа ва жаҳон миқёсидаги иқтисодий тузилмалар фаолиятидаги иштироки ва ўрни янада мустаҳкамланиб бораётгани бунинг ёрқин исботидир.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи ўз аҳамияти ва қамрови билан савдо-иқтисодий муносабатларнинг замонавий таъминотида асосланган ҳамкорликни илгари суриб келаётган юқори нуфузли ташкилот ҳисобланади.

Жорий йилнинг 27 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилишида иштирок этиб, ЕОИИ ва мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳамда бирлашмага аъзо мамлакатлар халқлари илгари суриб келаётган юқори нуфузли ташкилот ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари нутқи аввалида Қирғизистоннинг ЕОИИдаги фаол раислиги Евроосиё доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилишда янги имкониятлар яратиши таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг кузатувчи давлат сифатида ЕОИИ билан шериклик муносабатларини ривожлантириши муҳимлиги ҳам қайд этиб ўтилди.

Мазкур фикрнинг амалдаги исботини куйидаги натижалар мисолида кўриш мумкин:

**биринчи амалий натижа:** Ўзбекистоннинг тузилмага аъзо давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажми 2021 йил якунларига кўра **30 фоиз**, 2022 йилнинг биринчи тўрт ойида яна **33 фоиз** ошди; **иккинчи амалий натижа:** ЕОИИ мамлакатларидан жалб қилинаётган инвестициялар йилига қарийб **25 фоиз** кўпайиб бораётгани пандемия ва ундан кейинги даврда миллий иқтисодиётимизнинг сезиларли равишда ўсишига хизмат қилиб келмоқда.

ЕОИИ йилдан-йилга минтақамиз ва дунёдаги нуфузли иқтисодий тузилма сифатида муҳим аҳамият касб этиб

**Иккинчидан**, иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиғи, энергетика, транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш ва меҳнат миграцияси каби муҳим соҳаларда ахборот алмашинуви йўлга қўйилишига эришилади.

**Учинчидан**, бугунги тараққиёт босқичида миллий маҳсулотларимизнинг халқаро бозор талабларига мослаштириш чора-тадбирларини жадаллаштириши таъминлайди.

**Тўртинчидан**, фаол ташқи иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ҳар қандай шароитда ҳам халқаро бозорга интеграциялашув жараёни тезлашишига хизмат қилади.

Президентимиз йиғилишда ЕОИИга аъзо ва кузатувчи давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, самарали ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда товар айирбошлаш ва савдо муносабатларини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган **6 та муҳим тақлиф**ни илгари сурди ва **иккита муҳим масалага** алоҳида эътибор қаратди. Президентимиз Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг бундан олдинги 2021 йил 10 декабрдаги йиғилишида ҳам **7 та муҳим йўналиш** бўйича тақлифлар билдирган эди.

Мазкур тақлифларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг **4 таси тақлилий ишларни**

“

**ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 25-27 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН “ИННОПРОМ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ” ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИДА ЎЗБЕКИСТОН, РОССИЯ, БЕЛАРУСЬ, ВЕНГРИЯ, ФРАНЦИЯ, ҚОЗОҒИСТОН ВА БОШҚА ДАВЛАТЛАРДАН МИНГДАН ЗИЁД ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМПАНИЯСИ ВА БИЗНЕС ДЕЛЕГАЦИЯСИ, 1300 ДАН Ортиқ ЖИСМОНИЙ ШАХС ҚАТНАШГАНИ ҲАМ УНИНГ ҚАНЧАЛИК ЮҚОРИ ВА КЕНГ ҚАМРОВЛИЛИГИНИ КЎРСАТДИ. МАЗКУР КЎРГАЗМАДА БОИИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МИНГДАН ЗИЁД КОМПАНИЯСИ ИШТИРОК ЭТГАНИ ҲАМ ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚДИР.**

экинларини етиштиришни кенгайтириш; **иккинчи йўналиш**, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали.

Мазкур икки муҳим йўналиш доирасидаги ишларнинг тизимли равишда қўрилиши ва тадрижийлигини таъминлаш, аввало, тизимлаштирилган дастур орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Президентимиз мазкур дастурда куйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлигини ҳам таъкидлаб ўтди. Яъни дастур:

**биринчи**, ЕОИИ мамлакатларида дон ва мойли экинларни биргаликда етиштириш;



бормоқда. Тузилма фаолияти самардорлиги ортиб бориши унга **аъзо 5 та ва кузатувчи мақомидаги 3 та давлат**нинг истиқболи учун бирдек муҳим. Айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотдаги кузатувчи давлат сифатидаги фаолияти ва ташаббуслари куйидаги жиҳатлари билан юртимиз тараққиёти ва халқимиз турмуши фаровонлиги учун ижобий жиҳатларга эга.

**Биринчидан**, мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлиғи ошиши ва экспорт салоҳияти кучайишига, хусусан, божхона тартиблари соддалаштирилиши натижасида ЕОИИ давлатларига Ўзбекистондан мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш ҳажми ошишига хизмат қилади.

**амалга оширишни, 2 таси ҳуқуқий характерга эга** бўлиб, ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишни назарда тутади.

Жумладан:

**биринчи тақлиф:** ЕОИИга аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасида **агроекономика** кооперациясини кенгайтиришни назарда тутувчи **Агрокооперация дастурини ишлаб чиқиш**.

ЕОИИга аъзо ва кузатувчи давлатларда қишлоқ хўжалиғи фаол тарзда ривожланган бўлиб, аграр секторнинг давлат иқтисодиётидаги улуши сезиларли аҳамият касб этади. Шу сабабли мазкур давлатлар ўртасидаги агроэконом кооперациясини куйидаги икки йўналиш билан кенгайтириш мумкин:

**биринчи йўналиш**, қишлоқ хўжалиғи

**иккинчи**, мева-сабзавот экинларини, жумладан, уларнинг эртапишар навларини Ўзбекистонда етиштириш масалаларини қамраб олиши керак.

Дастурнинг самарали амалга оширилиши куйидаги ижобий жиҳатлари билан эътирофга сазовордир:

**биринчи**, ЕОИИ мамлакатлари бозорларини кафолатли равишда озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирши;

**иккинчи**, ЕОИИ мамлакатлари ҳудудларининг қишлоқ хўжалиғи соҳасидаги юқори салоҳиятидан унумли фойдаланиш имкониятини яратди.

**Иккинчи тақлиф:** **тараққиётнинг янги ҳаёф-хаталари шароитида ЕОИИ мамлакатлари ўртасида муқобил транспорт йўлакларини янада ривожлантириш**.

Мазкур тақлиф доирасида амалга оширилишини кечиктириб бўлмайдиган куйидаги масалалар кун тартибига олиб чиқилгани ҳам эътиборга лойиқдир:

**биринчи**, Жануб ва Шарқ йўналишларида транспорт боғлиқлигини мустаҳкамлаш;

ро кўргазмасида **Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Венгрия, Франция, Қозоғистон** ва бошқа давлатлардан мингдан зиёд **ишлаб чиқариш компанияси ва бизнес делегацияси, 1300 дан ортиқ жисмоний шахс** қатнашгани ҳам унинг қанчалик юқори ва кенг қамровлилигини кўрсатди. Мазкур кўргазмада ЕОИИ мамлакатларининг **мингдан зиёд компанияси** иштирок этгани ҳам эътирофга лойиқдир.

**Тўртинчи тақлиф:** ЕОИИ мамлакатлари ўртасида кооперация алоқаларини рағбатлантириш ва **маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича қўшма “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш**.

“Йўл харитаси” куйидаги **5 муҳим соҳадаги** кооперация алоқаларини қамраб олиши зарурлиги таъкидланди:

**биринчи муҳим соҳа** — қимё;

**иккинчи муҳим соҳа** — фармацевтика;

**учинчи муҳим соҳа** — машинасозлик;

**тўртинчи муҳим соҳа** — ускуна-созлик;

**бешинчи муҳим соҳа** — электроника. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда **Ўзбекистон Россия, Қозоғистон, Беларусь ва Қирғизистон билан саноат кооперациясини мустаҳкамлашга оид “йўл харита”ларини қабул қилган** ва улар бўйича изчил ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Президентимиз томонидан илгари суриладиган ҳар бир тақлиф, ҳар бир ташаббус илмий жиҳатдан асосланган бўлиши, ҳар бир соҳа тараққиётининг асосида илм-фан туриши тақдор ва тақдор таъкидланиб келинади.

Мазкур тақлиф доирасида давлатимиз раҳбарининг кооперация алоқаларини ривожлантиришда илмий-тадқиқот институтлари ва технологик марказлар имкониятларини ишга солиш ҳамда такомиллаштириш масаласига эътибор қаратгани тузилма доирасида юқоридаги бешта соҳанинг келгусидаги тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.



**Бешинчи тақлиф:** ЕОИИга аъзо ва кузатувчи мамлакатларда меҳнат ресурсларини самарали жалб қилиш имконини берадиган **зарур ҳужжатларни қабул қилиш ва соддалаштирилган тартиб-таомилларни қабул қилиш**.

**иштирокида Туризм индустриясини ривожлантириш форумини ўтказиш**.

Туризм муайян давлатнинг табиий имконияти ҳисобланади. Чунки туристик жозибадорлик ва салоҳиятга дунёнинг камдан-кам мамлакатлари эгадир. Бироқ ЕОИИга аъзо ва кузатувчи давлатлар, айниқса, Ўзбекистоннинг бу борада катта салоҳияти бор.

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, юртимизнинг туристик жозибадорлигини ошириш, соҳадаги тадбиркорларни ва ташаббусларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўлламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2017-2022 йиллар-

да туризм соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш мақсадида жами **216 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлиб, уларнинг **63 таси Президент қарори ва фармони**дир.

Нуфузли йиғилишда Президентимизнинг ЕОИИга аъзо ва кузатувчи давлатларда туризм индустриясини ривожлантиришга хизмат қилувчи тақлифи куйидаги ижобий жиҳатлари билан диққатга сазовордир:

**биринчи ижобий жиҳат:** туризм индустриясини ўзаро тажриба алмашиш асосида ривожлантириш;

**иккинчи ижобий жиҳат:** туризм соҳасида истиқболда амалга оширилиши зарур бўлган масалаларга эътибор қаратиш;

**учинчи ижобий жиҳат:** тузилмага аъзо ва кузатувчи давлатларга бўладиган туристик оқим эътиёжини инобатга олган ҳолда қўшма ҳаракатларни амалга ошириш.

Бу тақлиф ҳар жиҳатдан асосли. Хусусан, сўнгги йилларда **Ўзбекистонга хорижий сайёҳларнинг энг катта оқими ЕОИИга аъзо давлатлар бўлиши** Қирғизистон, Қозоғистон ва Россиядан келганини кўриш мумкин.

Юқоридаги тақлифлар билан бир қаторда Президентимиз йўловчи транспорт катновини тўлиқ ҳажмда тиклаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бу тузилмага аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасидаги яқин алоқаларни кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этади. Янги Ўзбекистонда сўнгги йилларда қўшни ва минтақадаги давлатлар билан мунтазам транспорт катновини йўлга қўйиш борасида мисли қўрилмаган ўзгаришлар амалга оширилди.

**Президентимиз ташаббуси билан йиллар давомида асосиз равишда ёпилган чегаралар очилиб, самимий мулоқот ва илиқ қўшничилик муносабатларига асосланган манфаатли ҳамкорлик ривожланди.**

Янги Ўзбекистон том маънода минтақадаги мамлакатлар билан ўзаро муносабатларда ижобий имижини шакллантирди ва бу борадаги ишларни мунтазам равишда давом эттириш бўйича қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Йиғилишда билдирилган тақлиф ҳам мазкур йўналишдаги эзгу мақсадларнинг рўёби учун хизмат қилувчи муҳим платформадир.

Президентимиз **савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун қўлай шароитларни шакллантириш** вазифасига ҳам эътибор қаратди. Мазкур вазифанинг самарали амалга оширилиши ЕОИИга аъзо ва кузатувчи давлатлар товарлари бозорларига соддалаштирилган тартибда кириш, яъни, **биринчидан**, ўзаро савдода техник тўсиқларни бартараф этиш, **иккинчидан**, сертификатлаштиришни тан олиш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг олий даражадаги йиғилишда билдирган тақлифлари Ўзбекистоннинг минтақа ва дунё миқёсида ўрни ва нуфузи янада мустаҳкамланишига, ёшларнинг меҳнатда доир ҳуқуқлари таъминланишига, қишлоқ хўжалиғи, туризм, логистика ва бошқа қатор муҳим соҳаларнинг замон талаблари асосида ривожлантирилишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

# ОБОД ВА ТИНЧ ЮРТНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

## БАХТЛИ, ҚУДРАТЛИ ҲАМДА ОҚИБАТЛИ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТАДИ

мактаб барпо этилиб, мавжуд 3 мингдан ортиғи реконструкция қилинди ва тўлиқ жиҳозланди.

**Болалар меҳнатига тўлиқ  
барҳам берилди**

Дунёда энг мудҳис манзара болалиги бой берилган ўғил-қизлардир. Дунёнинг айрим бурчаклари уруш учоғига айланган, айрим нуқталарда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, деган тушунча йўқ; очлик ва ноилжлик гирдобидаги болалар қорни тўйганига шод. Бу каби воқеалар тинч кунларнинг қадрига етишга ундайди. Бағримизда болаларимиз ҳеч нарсани уйламай уйкуга кетади. Тонгги шодумон кутиб олади. Бугун улар бир-биридан ширин орзулар қилади, келажак учун режалар тузади, мақсадлар қўяди. Бироқ бир замонлар улар ҳам меҳнат остида эзилди, эрта тонгдан ювиниб-тараниб отлангани мактаб эмас, пахта даласи бўлди. Келажакка мактаб парасидан эмас, эгат ораларидан боқди. Ёруғ кунларга куч ёки билим билан эмас, чарчоқ, тушкун кайфият ила интилди. Ручка тутиши лозим бўлган қўлчаларни пахта чаноқлари тилди.

валло, давлатимиз раҳбари таълим сифатига эътибор қаратди. Амалдаги ўқув дастурлари талабга жавоб бермаслигини, миллий ўқув дастури яратиш зарурлигини таъкидлади. Амалдаги таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари, асосан, ўқувчини таълимнинг кейинги босқичига тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, уларни эркин фикрлаш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш масаласи эътибордан четда қолмаётган эди.

Шундан сўнг тизимли ишлар бошланди. Дарсликлар тубдан ўзгарди. Янги “Тарбия” фани жорий этилди.



Миллий ўқув дастури асосида 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб бошланғич синф ўқувчилари учун она тили ва ўқиш фани бирлаштирилиб, она

Шукри, неча йиллар давомида ечимини топмай келаётган бу муаммо барҳам топди. Болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлатимизда энг катта қадам ташланди: Шавкат Мирзиёевнинг қатор ташаббуслари, саъй-ҳаракатлари билан кўп йиллар давомида мамлакатимизни турли “қора рўйхат”ларга киритилиши учун сабаб бўлган мажбурий, жумладан, болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди.

Бунинг эътирофи сифатида яқинда халқаро “Cotton Campaign” коалицияси ҳамда жаҳондаги машҳур брендлар томонидан Ўзбекистон пахтаси ва тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан ўрнатилган бойкот бекор қилинди.

Бугун болалар мактаб ва таълимдан бошқа нарсани ўйламайди. “Нажот таълимда, нажот тарбияда, нажот билимда” чорлови ота-оналарни уйғотди. Ҳар биримиз ёруғ келажак фақат илм орқали қўлга киритилишини тушуниб етмаймиз.

**Энди хаста болалар ҳам таълимни давом эттиради**

2021 йил май ойида Республика болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази ташкил этилган эди. Онкология ва гематология хасталикларидан даволанаётган болаларда ўқилиши давом эттириши имконияти ҳам пайдо бўлди. Марказ ҳузуридаги “Меҳрли мактаб” болаларнинг ўқилиши давом эттириши имкониятини берди. Оғир хасталиклардан даволанаётган болаларнинг таълим олиши қийинлашиши тайин, унга бу жараёнларни осонлаштириш эҳтиёжи юзга келади. Шунинг учун “Меҳрли мактаб” да узоқ муддатли даволанишга муҳтож болаларга индивидуал таълим дастурларини ўзлаштиришга имкон берувчи қўлай муҳитни яратиш мақсад қилинган.

Болалардаги иммунитет танқислигини ҳисобга олиб, мактаб ўзига хос тиббий талабаларга мувофиқ жиҳозланган, гипоаллерген материаллар билан таъминланган. Ўқув жараёнида фақатгина электрон дарсликлар ва ҳар бир ўқувчига алоҳида бириктирилган китоблардан фойдаланилмоқда.

Мақтабда “Zamin Creative” ижод студияси ҳам очилган. Унда болалар мусиқа, тасвирий санъат ва медиадан сабоқ олмақда. IT лаборатория ва сенсорли хона ҳам бор.

Беш йил тарих учун қисқа муддат. Бироқ мана шу қисқа давр мобайнида мамлакатимизда болалар саломатлиги, таълим-тарбияси, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Бунга ҳар биримиз ўз қўлимиз билан қўярмиз, ҳаётимизда яшаямиз. Биз эса мақоламизда айрим нуқталарга тўхталдик, холос.

**Башорат ЮНУСОВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири**



**“**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2022 ЙИЛ 28 ЯНВАРДАГИ “2022-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ БИЛАН РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ ВА ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАР, БОЛАЛАР УЧУН ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗЛАРНИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ВА ЗАРУР ТИББИЙ ТЕХНИКА ҲАМДА БУЮМЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВАЗИФАСИ, ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ.



Тарбиячилар, мутахассислар, шифокор ва тиббиёт ҳамширалари, ошпазлар малакасини оширишга алоҳида ёндашув бошланди. Мактабгача таълим ташкилотлари тез тиббий ёрдам

**“**ЯГОНА ИНТЕРАКТИВ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ПОРТАЛИДА БОЛАЛАРНИ ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА НАВБАТГА ҚЎЙИШ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОН ДАСТУР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ. БОЛАЛАРНИ БОҒЧАЛАРГА ЖОЙЛАШТИРИШ НАВБАТ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН БЎЛДИ. ЭНДИ БОЛА ТУҒИЛГАНЛИК ҲАҚИДА ГУВОҲНОМА ОЛГАН КУНИДАН БОШЛАБ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИГА БОРИШ УЧУН НАВБАТГА ЁЗДИРИЛСА БЎЛАДИ. БУ ЯНГИЛИК БИЛАН РАҚАМЛИ ТИЗИМ ОРҚАЛИ ИНСОН ОМИЛИ АРАЛАШУВИНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ.

ойлада фарзанд дунёга келиши ҳаммоноқ унинг таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратилади. Дастлаб ота-она, маҳалла-қўй, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари, мактабга чиққач эса ўқитувчилар зиммасига жиддий масъулият юкланади. Мамлакат келажигининг бунёдкори саналмиш ёшларнинг таълим олишида дарсликларнинг хизмати беқиёс. Ўқувчиларнинг рисоладагидек билим олиши, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, билим самарадорлигини оширишда мактаб дарсликлари асосий воситалардан биридир. Ўқувчи дарсликдан билим олади, тажриба тўплайди ва уни ўз ҳаётида қўллашни ўрганади. Шундай экан, дарсликлар мукаммаллиги ҳар маконда, ҳар замонда муҳим аҳамият касб этади. Ўзтиборсизлик туфайли унда йўл қўйилган биргина хато ҳам улғайиб келаётган ўқувчи ҳаётида муаммога айланиши мумкин.

Мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади”, деган улуғвор гоа асосида мактаб таълимни умуммиллий ҳаракатга айлантириш бўйича ислохотлар бошлангач, энг ав-

**Соғлом келажакка соғлом  
авлод билан**

Инсоннинг яралиши — мўъжиза. Тўққиз ой давомида мўъжиза шаклланиши ва дунёга келиши ўзига хос жараён бўлиб, бу даврда бўлажак онанинг ҳам руҳий, ҳам жисмоний саломатлиги жиддий эътибор талаб этади. Чунки соғлом она жамиятга соғлом авлодни етказиб беради. Халқлар ва мамлакатлар келажиги ўз тараққиётига, табиийки, соғлом авлод билан эришади. Шундай экан, ёш авлод саломатлигини таъминлаш, уларга замон талабидан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия бериш, дунёқараши кенг инсонлар қилиб тарбиялаш муҳим масала саналади.

Янги Ўзбекистонга тамал тоши қўйилган илк кунлардан мамлакатимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар ҳамда болалар учун юқори тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Миллат генофондини яхшилаш, бу борада аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оилада соғлом авлод туғилиши ва улар таълим-тарбияси учун зарур шарт-шароит, имконият яратишга оид давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган.

Амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат оналик ва болаликни тизимли равишда муҳофаза қилиш имконини яратди. Натижада оналар ва гўдаклар ўлими камайишига эришилди. Бундан ташқари, юртимизнинг олис ҳудудларида тиббий ёрдамни мақсадли йўналтириш тизимини юқори даражада ташкил этиш, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш, амбулатор ёрдамни янада яхшилаш, шошилинч ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш, тиббий генетика ҳамда замонавий скрининг дастурларини сифатли жорий этишга эътибор қаратилмоқда. Албатта, бу борада давлат бюджетидан зарур маблағ ажратилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони билан репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, перинатал марказларни малакали кадрлар ва зарур тиббий техника ҳамда буюмлар билан таъминлаш вазифаси, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Давлатимиз раҳбари она ва бола соғлиғига эътибор жамиятга, келажакка эътибор даражасида муҳимлигини таъкидлайди. Шунга мувофиқ, 2021 йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори-дармон бепул тарқатила бошланди. Бу жараён билан 2021 йилда 11 миллион аҳоли қамраб олинган бўлса, 2022 йилда 17 миллион кишига етказиш режалаштирилган. Аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар ва паразитларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоиз камаяди.

**Мактабгача таълим —  
инсон ҳаётининг муҳим  
бўғини**

Давлатимиз раҳбари йиғилишларда, аҳоли билан учрашувларда инсон капиталига эътиборни кучайтириш, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш шартлигига ургу бериб келади. Фарзандлар тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмаслигини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, мактабгача ёш инсон ҳаётининг энг муҳим даври саналиб, бу пайтда ўзлаштирилган билим ва тафаккур келажак учун пойдевор вазифасини ўтайди. Давлатимиз раҳбари юртимиздаги 5-6 ёшдаги барча болаларни мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олишга эришиш шартлигини айтган эди. Бу борада тегишли ҳужжатлар имзоланди. Мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, тизимлар тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар

эришиш учун қатор омиллар муҳим роль ўйнайди. Шундай бўлса-да, уларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишида ҳамда моддалар алмашинуви жараёнининг бир текис таъминланиб туришида айнан соғлом овқатланиш етакчи аҳамиятга эга. Кейтеринг усулида овқатланишни ташкил этишда, аввало, болаларни кунлик рационларда талаб қилинадиган калорияга эга овқат, табиий шарбат ва мева-салат билан таъминлашга эътибор қаратилади. Айни пайтда юртимиздаги айрим боғчаларда бу борада тажриба-синов ишлари кетмоқда.

**Янги Ўзбекистон мактаб  
остонасидан бошланади**

Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақшга киёсланади. Нақш маҳорат билан ишланиши ёки аксинча ҳам бўлиши мумкин. Шу боис,



# МАДАНИЙЯТ ВА САНЪАТ БАЙРАМИ

ШУКУХ

Фарғонада “Янги Ўзбекистон — инсон қадрини улуғланган юрт” шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Бошланиши 1-бетда

Бу бежиз эмас, албатта. Фарғоналиклар азалдан маданият ва санъатни қадрлайди. Айниқса, улар элимиз суйган санъаткорлар ва ижодкорлар билан учрашувларни соғинган. Шу боис, ҳар бир ҳудудда бу тадбирларни юқори савияда, кўтаринкилик билан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Учрашувларда янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлидаги кенг кўламли ислохотлар ҳамда эришляётган ютуқларни ҳаётий мисоллар орқали содда ва тушунарли тарзда етказиб беришга ҳаракат қилинмоқда.

— Маънавият ва маърифат тадбирлари дастури мароқли учрашув ва қизиқарли кечаларга бойлиги билан ажралиб туради, — дейди Республика Маънавият-маърифат маркази Фарғона вилоят бўлими бошлиғи Маъсуджон Сулаймонов. — Тадбир давомида “Китоб карвони” ташкил этилиб, беш мингдан зиёд китоб тўхфа қилинади. “Кинокарвон” лойиҳаси доирасида маҳаллаларда кино санъатимизнинг 100 та энг сара намунаси ва сўнгги йилларда суратга олинган фильмлар намойиш этилиб, киноижодкорлар билан юзма-юз учрашувлар ўтказилмоқда.

Маданият ва санъат байрамида вилоятдаги 1062 та маҳаллани қамраб олиш режалаштирилган. Маданият вазири, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан барча маҳаллалар кесимида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, пухта тайёргарлик қилинган. Санъаткор ва ижодкорлар энг чекка маҳаллаларга чириб бормоқда.

## Бир мақсадга йўналтирилган ислохотлар

Ислохотлар фарғоналиклар ҳаётида янги саҳифа очди. Хусусан, охириги бир йилда вилоятда 10 мингдан зиёд кичик корхона ташкил этилди. Экспорт ҳажми



44 фоиз ошиб, 801 миллион долларга етди.

Фарғонада 2022-2023 йилларда кўлами кенг истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, санаот, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалиғи соҳаларида умумий қиймати 31 триллион сўм бўлган 1 минг 268 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Бунда қури-

Марғилон шаҳридаги маданият марказида пойтахтдан келган, элимиз ардоғидаги маданият ва санъат намояндалари, шойр ва ёзувчилар билан ўтказилган учрашувлар мароқли суҳбатларга бой бўлди. Чинакам санъат шинавандалари бўлган марғилонликлар меҳмонларни юксак ҳурмат-эҳтиром ила қарши олди. Улар ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар

дилларга хушнудлик ва кўтаринкилик олиб кирди.

— Марғилон не-не даҳоларга бешик бўлган замин, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов. — Санъатсевар халқнинг кайфияти уларнинг ҳаётидан, турмушидан мамнунлиги, эртанги кўнга ишончи баландлигини кўрсатиб турибди. Хўнармандлар маконининг бугунги чироий ва ободлигидан жуда қувонди. Ўзгаришларни санаб, адоғига етиб бўлмайди. Ҳаммаси гўзал ва бетакор. Бу улуғворликни марғилонликларнинг юз-кўзидан илғаб оляпмиз. Одамларнинг кайфияти юқори.

## “Янаям ёшариб кетгандек бўлдим”

Ёзёвон — Марказий Фарғона ерларида ташкил этилган навқирон туманлардан бири. Утган асрнинг эллингини йилларида қўш урса қаноти, одам юрса оёғи қуйган қўмликлар ўрнида бунёд бўлган бу масканда бугун ободлик, бунёдкорлик ва яратувчилик кенг қўлоқ ёймоқда. Равон йўллар, обод қишлоқлар одамлар ҳаёт тарзини ўзгартирди.

“Сойбўйи” маҳалла фуқаролар йиғинида “Янги Ўзбекистон” массиви қад кўтармоқда. Бу ерда қуриляётган осмонўпар уй-жойлар, замонавий инфратузилма тармоқлари кўлами кенг. Замонавий боғча ва мактаблар, поликлиника, истироҳат боғи, хизмат кўрсатиш ва савдо мажмуалари азим маскан қиёфасини тубдан ўзгартиб юбормоқда. Қишлоққа таниқли кино ва санъат усталарининг келишига аввалига қўпчилик ишонмади.

“Телевизорда чиқадиған машҳур актёр ва санъаткорлар келибдимиз?” деган гап-сўзлар қўлоқдан-қўлоққа ўтди.

Тумандаги 28-болалар музика ва санъат мактабида Ўзбек кино олами вакиллари, таниқли санъаткорлар билан бўлиб ўтган учрашув бу борадаги саволларга амалий жавоб берди. Тўғрида, таниқли кино юлдузларининг вақт тоғиб, бу қишлоқларга келишини ким ҳам уйлабди, дейсиз.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, киноактёр Эгамберди Раҳимов, “Бегона баҳор”, “Жийда гули” каби сериаллари билан кўпчиликка таниш режиссёр Иброҳимжон Расулов,

актриса Гулбаҳор Дадамирзаева тумандаги “Баҳор”, “Тегиримонбоши” МФЙ аҳолиси вакиллари билан учрашиб, дилдан суҳбат қурди.

— Уй-рўзгор юмушларидан ортиб, театр ва концертга боришга имкон топа олмаймиз, — дейди Зухра Фозилова. — Мана, ўзлари бизга пешвоз чиқди. Маза қилиб маданий ҳордиқ чиқардик. Ҳаммаларига раҳмат.

Шу ерда Ўзбек киноижодкорлари томонидан суратга олинган “Бир кунлик куёв” фильми намойиш этилди.

Маънавият-маърифат тадбири иштирокчилари “Марказий Фарғона” МФИда яшайётган 105 ёшли Зухрабиби Акбарова хонадонида бўлди. Кекса онахон меҳмонлар ташрифидан боши қўқларга етди.

Мени йўқлаб шундай таниқли кишилар, машҳур қўшиқчилар келишини ҳаёлимга ҳам келтирмагандим, — дейди меҳмонлар ташрифидан қўқ олган Зухрабиби она. — Уларни фақат телевизорда кўрганман, холос. Мана, ўзлари кириб келиб, ҳол-аҳвол сўрашганидан янаям ёшариб кетгандек бўлдим. Раҳмат, умрларидан барака топсин.

Кекса онахон хонадонида меҳмон бўлган таниқли қўшиқчи Машҳурбек Раимжонов онахонга атаб, жонли ижрода қўшиқ қўйлаб берди.



Тантаналар доирасида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтери” ва “Ёшлар дафтери”га киритилган оилаларнинг ҳолидан хабар олинмоқда.

## Маҳорат ва мулоқот майдони

Эл севган ижодкор ва санъаткорларнинг чекка қишлоқларга кириб бориши Фарғонада катта воқеаликка айланди.

Ҳар қандай расмийчилик ва зўрма-зўрақиликдан холи жонли мулоқотлар муҳлисларга қанчалик завқ бағишласа, санъаткорлар ҳам бундан кўтаринки руҳ ва илҳом олиши шубҳасиз.

Риштон туманининг “Зарариқ” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган тадбир ҳам чинакам маънода маданият ва санъат байрамига айланиб кетди. Аслида оддий бир қишлоққа бир йўла ўнлаб санъаткор келиши чинакам катта воқеа ҳисобланади. Одамлар меҳрини қозонган санъаткорларни кўриш, улар билан амалий мулоқот қилиш истагида бўлганлар кўп. Буни зални тўлдирган шинавандалар юз-кўзларидан ҳам илға олиш қийин эмас.

— Бундай самимий учрашув ва мулоқотлар бизни одамларга янада яқинлаштирди. Улар билан ҳамнафас бўлиш имкониятини берди. Мана шундай давраларда бўлиш нақадар бахт, — дейди эстрада хонандаси Моҳири Асадова. — Бу ерда оддий турпоқдан мўъжиза яратётган риштонликларнинг қадим санъат намуналари билан яқиндан танишидик. Давраларни тўлдириб ўтирган кексаю ёшнинг хечрасидаги қувонч ва миннатдорлик ҳиссини кўрганда, кишига янада илҳом келади. Бундай кезларда халқимизнинг санъатни қай даражада севиб-ардоқлашини янада чуқурроқ ҳис қиляпмиз. Бу учрашувлар ҳар қандай ижодкор учун маҳорат ва мулоқот, ҳисобот майдони бўлиб хизмат қилади.

## Шеърят шайдолари маскани

Тадбир иштирокчилари латиф шар — Қўқонда бўлиб ўтган суҳбатлар



асносида инсон қадрини улуғлаш, қўлаб-қувватлаш борасида яратиб бериляётган имконият ва ғамхўрликларни яна бир бор эътироф этди.

— Қўқон ўзбек мумтоз адабиёти ва санъатига бешик бўлган қадим масканлардан, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шойри Сирожиiddин Саййид. — Бу ерда ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндалари Муқий, Фуркат, Абдулла Қаҳҳор, Чархий, Собир Абдулла, буюк кино ва театр артистлари Наби Раҳимов ва Ҳамза Умаров кабилар қамол топган. Истиқбол йилларида устозларнинг ўлмас маънавий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш, тарғиб қилишга бўлган эътибор ошди. Бўлиб ўтаётган маънавий-маърифий тадбирлар бу ерда яна қўлаб истеъдодлар улғайётганини кўрсатиб турибди. Чўнки қўқонликларнинг ҳар бири ўзига хос адабиёт ва шеърят шайдоси.

Сирасини айтганда, Фарғона вилояти бўйлаб қўлоқ ёйган маънавият, маданият ва санъат байрами тобора қизгин паллага кирмоқда. Тадбир нафақат кўнгилочар байрамлар, балки меҳр ва саховат амалларига бойлиги билан ҳам эътиборни тортмоқда.

## Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

# УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРЛАРИ

Сарвар САИДОВ, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

Ҳар қандай тараққиётнинг асосий қалити илм-фандир. Бунга Шарқда икки марта рўй берган Ўйғониш даврини яққол мисол сифатида келтириш мўмкин. Жўмладан, IX-XII асрларда ислом оламида вужудга келган Биринчи Ренессанс даврининг асосий омили ҳўқмдорлар томонидан илм-фанга қаратилган эътибор, илм аҳлига кўрсатилган ҳўрмат-эҳтиром бўлган эди. Ушбу Ўйғониш даврининг асосий таянчи ўз даврининг ҳақиқий маънодаги Фанлар академияси ҳисобланган “Байт ул-ҳикма” — “Донишмандлик уйи” ҳисобланади.

Айнан шу илмий муассасада фаннинг барча соҳалари бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиб, дунёнинг тараққий этган цивилизацияларига тегишли ноёб асарлар араб тилига таржима қилинди. Натижада ислом

олами бошқа цивилизациялар эришган ютуқларни ўзлаштирди, ушбу ютуқлар, ўз навбатида, ислом илм-фани муваффақиятлари билан омикталашиб, ўзига хос юксак илмий муҳит ташкил топишига сабаб бўлди.

Шарқ оламидаги Иккинчи Ренессанс асосчиси сифатида эътироф этилувчи Соҳибқирон Амир Темур илм-фанга эътибори, олим ва шoirларни юксак даражада қадрлаши орқали мамлакат тараққиётига асос яратди. Унинг даврида Мовароуннаҳр ва Хўросон заминини энг ёрқин даврларини бошдан кечирди. Темур ва теуирийлар давридаги олимларга ғамхўрлик, қўлай шарт-шароит натижаида диний ва дунёвий илмлар ривожланиб, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Саъдийдин Тафтазоий, Саййид Шариф Жўржоний, Мирзо Улуғбек, Али Қўшчи, Қўзизода Рўмий каби алломалар майдонга чиқди.

Мана шундай илмий юксалиш даврлари гувоҳи бўлган юртимизда бой маънавий меросимиз ҳисобланган ал-

ломалар меросини ўрганиш, уларни халқимиз орасида тарғиб қилиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда илм-фанга, таълимга эътибор кўчайиб, Уччинчи Ренессанс пойдеворини яратиш чоралари кўрилмоқда. Жўмладан, Имом Термизий, Имом Бухорий ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ташкил қилингани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Президентимизнинг Уччинчи Ренессанснинг том маънодаги ҳуқуқий асоси ҳисобланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони бевосита илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини ҳар томон-

лама ривожлантириш, уларни қўлаб-қувватлаш, бой маънавий меросимизни халқимизга етказиш борасидаги фаолиятини янги босқичга олиб чиқишда катта аҳамият касб этмоқда. Тараққиёт стратегиясида “Буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини қўлаб-қувватлаш”га алоҳида эътибор берилгани сабаби ҳам шунда.

Ўз навбатида, илмий-тадқиқот муассасалари Уччинчи Ренессанс учун чин маънодаги пойдевор бўлиши, бебаҳо маънавий бойлигимиз ҳисоблан-

ган аждодлар меросини тадқиқ этиш йўлида таянч муассасалар бўлиб хизмат қилиши мақсадга мувофиқдир. Президентимиз таъбири билан айтганда: “Биз янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Уччинчи Ренессанс пойдеворини яратишда зийлиларимизга катта ишонч билан қараймиз”.

Дарҳақиқат, ислом динининг асл мазмун-моҳиятини кўрсатиб беришда, динлараро ва миллатлараро бағрикенглик, дўстлик, ихтиомий ҳамкорлик, ўзаро ҳўрмат ва ҳамфайрлилик қадриятларини, ислом тамаддунига бебаҳо хисса қўшган Имом Бухорий, Исо Термизий, Имом Мотуридий ва бошқа буюк алломаларимизнинг диний ва дунёвий илмлар ривожига қўшган улкан ҳиссасини тадқиқ ва тарғиб этишда бу муассасалар асосий таянч ташкилотларга айланиб бормоқда. Бу жараён нафақат маънавий-маърифий, балки бошқа барча соҳаларда ҳам янги бир ўйғониш жараёни жадаллашувига хизмат қилиши шубҳасиз.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер маърузида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1766  
85744 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева  
Мусаҳҳир: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎА яқуни — 21:35 Топширилди — 23:55